



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 26 апрель, чоршанба

№32 (11.217)

Эркин нархда сотилади

ЖАМИЯТ ЙИГИЛИШИ

Республика Маънавият ва маърифат кенгашида Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда файласуфларнинг мамлакатимизда миллий онг ва истиқлол мафкурасини шакллантириш борасидаги вазифалари белгилаб олинди. Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Иқтидорли олим, фалсафа фанлари доктори Қиёмиддин Назаров Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг раиси этиб сайланди.

(ЎЗА).



Кўп йиллик тажриба натижаларини ҳисобга олган ҳолда бу йил пахта учун ажратилган майдоннинг яримдан кўпига, яъни 65 минг гектарига "С - 6524", қолганига "Тошкент - 6", "Наманган - 77" ва "Ан - Боевут - 2" навлари жойлаштирилди. Шунингдек, уч гектарча ерга ви-

ИШЛОВ БЕРИШ БОШЛАНДИ

Пахтакорларимиз 105 минг гектар майдонга 20 апрель куни чигит экиб бўлдилар

лоят учун истиқболли ҳисобланган "С - 4910" ва "Омад" навли чигит кадалди. Айрим минтакаларда ўтказилган тажриба шуни кўрсатадики, тупроқ ва иқлим шароитига қараб, чигит аввалдан эгат олиб қўйиб, пуштага экилса, барқарор ҳосил олиш мумкин. Бу йил вилоят бўйича қарийиб 16,5 минг гектар майдонга шу усулда чигит экилди.

Илгари маълум қилганимиздек, бу йил, беистисно, ҳамма хўжаликларда "Ўздав-уруғназоратмарказ" томонидан сифат сертификати берилган, яъни униб чиқиши кафолатланган уруғлик экилганлиги сабабли барча май-

донларда тўлиқ ва текис кўчат олиш имконияти яратилди. Ҳар куни олиб борилаётган кузатувларга қараганда, бугунгача 84 минг гектар, яъни жами пахта майдонининг 80 фоизига чигит униб чиқди. Шу жумладан, 35 минг гектар майдонда ниҳол тўлиқ бўй кўрсатиб, текис қаторлар ҳосил бўлди.

Чигит экишга биринчи бўлиб киришган Бекобод, Янгийўл, Оққўрғон, Пскент, Ўртачирчик, Чиноз туманлари пахтакорлари бу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиб, 18 апрель куни яъни 13-15 иш кунидан тугатдилар. Айнан шу туманларда биринчи культивация ҳам барвақт бошланди. Ҳозир Ўртачирчик, Янгийўл, Бекобод ту-

манларида кунига 25тадан 55тагача культиватор дала-ларга чиқарилиб, гўза қатор оралари юмшатишмоқда. Вилоят бўйича эса бу муҳим тадбирни тез ва сифатли ўтказиш мақсадида кунига 600га яқин агрегат сафарбар этилмоқда. Айрим майдонларга биринчи озуқа берилляпти. Ҳозир озиклан-тирилган майдонлар минг гектардан ошди.

Айни кунларда чигит би-ринчи бўлиб экилган майдон-ларда қўл чопиги ва ниҳол-ларни яғналашга ҳам кири-шилди. Бу ишлар Бекобод, Бўка, Пскент, Янгийўл туман-лари хўжаликларидан уюшқо-лик билан амалга оширилмоқ-да.

Маълумки, бу йил ёгингар-чилик камроқ бўлгани учун

Самад йўлдош.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ТАНЛОВЛАР ЯКУНЛАНДИ



ОҲАНГАРОН шахрида "Энг яхши маҳалла", "Энг яхши мактаб", "Энг яхши боғча" танловлари якунига етди. Танлов ҳайъати қаро-рига кўра, "Қўрғон" фука-ролар йиғини "Энг яхши

маҳалла", Навоий номи 1-ўқув даргоҳи "Энг яхши мактаб", 8-Наврўз бола-лар маскани эса "Энг яхши боғча" деб баҳоланди. Тан-лов шартига кўра бу ерлар-даги озодгарчилик, ёш-ларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўқитиш, меҳнат кўникмаларини ўргатиш каби шартларга катта эътибор берилди. Ҳақдорларга махсус муко-фотлар топширилди.

Муқаддас АЛИЕВА

МУНОСАБАТЛАР БАҲСИ

ОҚҚўРҒОН тумани хотин-қизлар кўмитаси "Гу-листон" ҳамда "Ўзбекистон" жамоа хўжаликларидан ёш-ларни ҳаётга тайёрлаш, оила муаммолари, қайнона-келин муносабатлари ва бошқа бир қатор масала-лар юзасидан баҳс-муноза-ра ўтказди.

Тадбирда шу ҳудудда яшовчи йигит-қизлар, ёш келинлар, қайнона-қайно-



талар иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини бил-дирдилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ

"БИЗ СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ"



Шу мақсадда қатор тадбир-лар кўриляпти. Жумладан, уларнинг бири "Биз спортчилар оиласими?" ширини остида ташкил этиляпти. У энди-ликда яхши аъёни бўлиб қолди. Биргина ўтган йили давомида ишчи-хизматчи-лар ва уларнинг оилалари аъёларидан сал кам 1400 нафар фуқаролар шундай саломатлик тадбирларига жалб қилиндилар. Улар-нинг 600 нафардан ортин-гичи хотин-қизлар ташкил этганлиги эътиборга лойиқ-дир.

Собир ҲАМИДОВ

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

ВИЛОЯТДА биринчи бўлиб ҳисоб-китоб ишлари-ни компьютерлаштиришга ўтказган Паркент туманида-ги "Навбахор" ширкат хўжа-лигида "Ақли машиналар"-дан бирига навбатдаги дасту-р жойланди. "Уйлар му-борок!" деб аталган бу маъ-лумотлар жадвалида ҳар йили жамоада янги турар-жойларга қўчиб ўтган оила-лар ҳусусидаги кўрсаткич-лар қайд қилиб борилади. Ундаги рақамларга кўра, шу



Сайдвали ҲАСАНОВ

ИЛМ АҲЛИ ТАШАББУСИ БИЛАН



фессорлар Баҳодир Сарим-соков ва Фафур Жалолов-лар XI-XII асрларда яшаб ўтган алломалар ҳаёти, ижодий мероси, халқ тур-муш тарзи ҳақида сўзлаб бердилар.

Ўзига хос бу тадбир Қашқадарё, Самарқанд, Хо-разм ва бошқа вилоятлардан келган фольклоршунос олим-лар, санъаткорлар суҳбатла-ри, шахнавий чиқишлари би-лан файз бағишладилар.

Тошкентдаги уй-музей-ларда сақланаётган қадим-ий ашёлар, рўзгор буюм-лари кўргазмаси ҳам иш-тирокчиларда катта таассу-рот қолдирди.

Сайд ВАЛИЕВ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 29 апрель шанба куни вилоятимиз вакили, мамлакат чемпиони "Дўстлик" жамоаси Сирдарё вилоятининг "Гулистон" жамоасини ўз майдонида қабул қилади.

Учрашув соат 17да бошланади. Мухтарам футбол мухлислари, "Дўстлик" ўйингоҳига марҳамат қилинг!

Шокир ТЎҒОНОВ.

Вилоят ҳокимлигида

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРАЙЛИК

ВИЛОЯТ ҳокимлиги ҳузуридаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда айрим вилоят бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳоким-ларининг муовинлари, давлат автомобил назо-рати бўлимлари бошлиқлари халқ таълими бўлимлари ходимлари қатнашдилар. Уни вило-ят ҳокимининг муовини, шу комиссия раиси Рустам Мўминов олиб борди.

Мажлисида қатор масала-лар муҳокама қилинди. Чу-нончи, вилоятимиздаги юк автотранспорт корхонала-рида галла ўрими-йиғими-га тайёргарчиликни бориши атрофлича кўриб чиқилди. Бу ҳақда "Тошвилоктранс" концерни бош директори Собир Юсупов маъруза қилди. Маърузачи галла ўрими-йиғими-га тайёргар-чиликнинг бориши ҳақида муфассал тўхтади. Бу со-ҳада амалга оширилган ай-рим ишларни қайд қилиб, асосан камчиликлар ҳақида гапирди. Хали қатор транс-порт ташкилотлари, айник-са, хўжаликларга қарашли автокорхоналарда бу муҳим кампанияга ҳозирлик ишла-ри пухта ташкил этилмаган-лиги, белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаммасини вақтида амалга оширишга эришилмаётганлиги, бун-дай сусткашликка тезда

барҳам бериш, галлани та-шишда қатнашадиган ҳар бир юк машинасининг тех-ник соҳ бўлишини таъмин-лаш, малакали ҳайдовчилар ажратиш лозимлиги таъ-килданди. Галлани ташиш-да унинг нес-нобуд бўлмаслигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Шунингдек, комиссия мажлисида Янгийўл шаҳри ва тумани ҳамда Оққўрғон тумани ҳокимликлари ҳу-зуридаги йўлларда ҳаракат-ланиш хавфсизлигини таъ-минлаш комиссияларининг иш юзасидан ҳисоботлари ҳам тингланди. Бу ҳудуд-ларда кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисалари ор-тиб бораётганлиги катта таъшиш тугдираётгани таъ-килданди. Мажлисида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Улар бўйича те-гишли қарорлар қабул қилинди.

ШОЛИКОРЛАР КЕНГАШИ

Тошкент вилояти Куйичирчик туманида шоличилик-ни ривожлантириш масаласига бағишланган минтақа-вий семинар-кенгаш бўлди. Унда Тошкент ва Сирдарё вилоятлари шоликорлари, шоличилик хўжаликлари раҳ-барлари, олимлар иштирок этди.

Анжуманда шоли етиштиришни кўпайтиришнинг та-лай имкониятлари мавжудлигига қарамай, улардан оқилона фойдалана олинмаётгани қайд этилди. Соҳа-ни ривожлантириш, хусусан, баҳорги экиш ишларини сифатли ўтказиш, агротехник талабларга риоя этиш, айникса, шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Н. ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

"ЧИМИЛДИҚ" ВИЛОЯТ КЕЗМОҚДА

ПОЙТАҲТДАГИ Ҳамза номи театрда сахналашти-рилган "Чимилдиқ" спектаклининг довури респуб-ликага ёйилди. Уни кўриш учун узоқ-яқиндан пой-тахтимизга келадиганларнинг сон-саногий йўқ.

Хусусан, вилоятимиз ша-ҳар ва туманларидан ҳам бу спектаклни кўриш иштиёқи-да юрганлар қанча. Шу маъ-нода театр ижодий гуруҳи-нинг вилоят ҳокимлиги та-шаббуси билан уюштирилган гастроллари айни муддао бўлди.

— Олдиндан белгилан-ган режага мувофиқ, — дейди театр директори Ёқуб Аҳмедов, — "Чимил-диқ" спектаклининг ижодий гуруҳи Ўртачирчик, Ян-гийўл, Қибрай, Бўстонлик туманларида, Янгийўл, Чирчик шаҳарларида бўлди.

Ҳамма ерда томошабинлар мазкур спектаклда роллар ижро этган Абдураим Абду-вахобов, Мадина Мухторо-ва, Саида Раметова, Раъно Ярашева, Дилбар Икромов-ва, Тоҳир Саидов ва бошқа кўплаб актёрларимизни мамнуният билан кутиб олишляпти. Ҳар гал 500-600 кишига спектакл намойиш этиляпти.

"Чимилдиқ"нинг Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари бўйлаб сафари давом этмоқ-да.

Шоира АБДУШОҲИДОВА.

Тошкентда янги узил-ган мева-сабзавот, қай-та ишланган ва консер-валанган кишлоқ хўжа-лик маҳсулотларининг улгуржи савдо ярмарка-си ўтказилди.



ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

ЯРМАРКАДА намо-йиш этилган сархил ва ай-никса, экологик тоза ноз-неъматлар нафақат мамла-кат ички бозори, балки МДХ мамлакатлари вакил-ларининг ҳам эътиборини жалб этди. Бу ерда рес-публикамиз вилоят ва ту-манларидан ташқари Рос-сия, Украина, Беларус ва Қозогистондан ташриф бу-юрган улгуржи савдо би-лан шугулланувчи ташки-лотларнинг вакиллари ҳам кўплаб учратиш мумкин эди.

Улгуржи савдо ярмар-каси ташкилотчиларининг маълум қилишларига қара-ганда "Ўзбекбирошув" нинг жойлардаги худудий "Матлуботсавдо" ташки-лотлари ҳамда тайёрлов идоралари хорижга 200 минг тоннадан зиёд қиш-лоқ хўжалик маҳсулотла-ри етказиб бериш салоҳи-ятига эга. Жумладан, бугунги кунда чет элга

эртаки қарам, бодринг, сабзи, лавлаги, кейинроқ эса помидор, мева, бақ-лажон, булғор қалампи-ри, полиз маҳсулотлари етказиб бериш имкония-ти мавжуд. Йил даво-мида эса қуруқ мева, асал, пиёз, дуккакли дон, хилма-хил консер-валар, шарбат, помидор пастаси жўнатиш мум-кин.

Дарвоқе, Россия ва Қозогистон билан шу турдаги маҳсулотларни те-мирийўл орқали ташиш тарифи 50 фоиз қисқар-тирилди. Бу эса икки то-монлама манфаатли шарт-номаларни исталганча тузиш имконини беради. Бунинг билан вилоятимиз минсолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ямарка-да деярли барча туманла-римиздан қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари етиш-тирувчилар иштирок этди. Натижада Россиянинг Новосибирск, Томск ва Олтой ўлкаси билан 4030 тонна, яъни 249 милли-он сўмлик маҳсулот ет-казиб бериш юзасидан шартномалар тузилди.

Хуллас, вилоятимиздан шартномага мувофиқ жўнатишга эртаки қарам, мева, пиёз, полиз ва кон-серва маҳсулотлари эва-зига у ёқдан шакар, қиш-лоқ хўжалик машинала-ри учун шина ва кўплаб қурилиш ашёлари келти-риш ҳақида келишиб олинди.

Ўз мухбиримз. Диллод АҲМЕДОВ олган суратлар.

СУРЪАТ ОШМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗ деҳқончилигида баҳорги экиш ишларининг авж олиши, бог-роғларни парвариш қилиш бош-ланиб кетганлиги "Электримёсаноат" ишлаб чиқариш бир-лашмасида тайёрланаё-

тган маъданли ўғитларга талабни охириб юборди. Шунинг ҳисобига олган корхона жамоаси март ойидан бошлаб иш суръ-атини кун сайин жадал-лаштирмоқда. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солаётган мўъжиза-

корлар ўтган ойда ҳар қачонгидан ҳам боракали меҳнат қилишди. Шу даврда ишлаб чиқарилган аммиак селитраси ҳажми 40 минг тоннадан ҳам оширокчи ташкил этди. Топшириқ 107,6 фоиз қилиб бажарилди.

Айни вақтда яна бир асосий маҳсулот тури — кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариш ҳажми

ҳам сезиларли кўпай-ди. Ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 800 тонна оширилди. Бу билан жорий йил-нинг дастлабки икки ойида пасайган ишлаб чиқариш ўрни тўлди-рилди ва ўсиш суръа-тининг сақлаб қолини-шига эришилди.

Шокир ТЎҒОНОВ.

